Эҳтиром



Филология фанлари доктори, профессор Абдуқодир Ҳайитметов фақатгина улкан тадқиқотчи-адабиётшунос олим эмас. У киши шу даражада улкан тарғиботчи олим ҳам эдилар. Яъни илм-фан ютуқларини, эзгу ғояларни халққа, айниқса, янги авлодларга етказишни ўз олимлик фаолиятининг энг асосий вазифаларидан бири деб билардилар.

# Навоий даҳосига маҳлиё эди

Тарғиботчиликни эса олим турли йўсинларда амалга ошириб келди. Масалан, ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида телевидениемиз орқали «Абдураҳмон Жомий», «Навоий ҳаёти», «Абу Райҳон Беруний» деб аталган илмий-ҳужжатли фильмлар намойиш этилган эди. Мағзи тўқ, илмий ва тарихий ҳақиқатларга бой, оммабоп, қизиқарли бу фильмлар сценарийсини Абдуқодир Ҳайитметов ёзган. Бу фильмлар унинг илмий тарғиботчилик фаолиятида муносиб ўрин тутади.

Абдуқодир ака бевосита халқ орасида юриб, кексалару ёшлар давраларига кириб, илм-фан ғояларини тарғиб этишни ҳам хуш кўрардилар. Жумладан, ҳар йили буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллуди куни арафасида мамлакатимизда «Навоийхонлик» анжуманлари бўлиб ўтади. Бу гўзал маънавий анъаналаримиздан биридир. «Навоийхонлик» давраларида Абдуқодир Ҳайитметов энг фаол ва энг донишманд навоийшуносларимиздан бирига айланарди. У киши олий ўқув юртлари, лицейлар ва коллежлар, мактаблар, турли ташкилотларга, корхоналарга, ҳатто олис туманлар ва қишлоқларга ҳам эринмай бориб, Навоий тўғрисида ажойиб суҳбатлар уюштирган. Бошқа давлатларда маърузалар қилган. Олим шу сатрларнинг муаллифи билан бир суҳбатда 1991 йилда Арманистонда ўтган «Навоий кунлари» тўғрисида сўзлаб берган эди. Абдуқодир ака Арманистонда ўша йили яна бир атоқли навоийшунос олимамиз Суийма Ғаниева билан биргаликда арман ёзувчилари, олимлари, талабалари, ўқувчилари, меҳнат аҳли орасида анча-мунча маърузалар ўқишган экан. «Навоийга дунёда қизиқиш анча катта эканлигини ўша кунларда яққол ҳис этдим» деган эди, раҳматли.

Олим Навоий бобокалонимиз шахсиятидаги буюк инсоний жиҳатларни ва асарларини одамлар қанча яхши ва чуқур билса, маънавий ҳаётимиз шу қадар обод бўлади, деб астойдил ишонар ва шу йўлда жон куйдирарди. Шу мақсадда у, масалан, Навоий достонларининг насрий матнларини тайёрлашда фаол иштирок этди. Янада аниқроғи, А. Ҳайитметов Алишер Навоий «Ҳайратул-аброр» достонининг мукаммал даражадаги матнини яратди. Маълумки, Навоий ижодиётида туркий сўзлар қаторида кўплаб арабча ва форсча сўзлар ҳам учрайди. Бу эса ҳозирги ўқувчилар томонидан шоир асарларининг мутолаа этилишини сезиларли қийинлаштиради. Навоий достонларининг насрий матни эса халқимизнинг, айниқса, ҳозирги ёш авлодни Навоийга ошнолаштиришда қўл келмоқда.

Абдуқодир Ҳайитметов Навоий меросининг тарғиботида, айниқса, матбуотни, газеталар ва журналларнинг имкониятларини жуда қадрлар эди. Шу боисдан, олимнинг умр бўйи бир оёғи матбуот остонасида бўлди, десак янглишмаймиз. У матбуот билан, журналистлар билан қадрдонлашиб кетган эди. Биз, журналистлар ҳам олимни дилкаш суҳбатдош сифатида жуда ҳурмат қилар эдик. Абдуқодир ака матбуотда Навоий ҳақида кўп ёзди ва хўп ёзди. Масалан, Навоий Хуросон давлатида кенг миқёсдаги бунёдкорликлар ташаббускори бўлган. Йўллар, работлар, ҳаммомлар, мадрасалар, шифохоналар, кутубхоналар... қурдирган. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, бундай бунёдкорликларнинг аксарият сарф-харажатини Навоий ўз маблағлари ҳисобидан қоплаган. Бу энди элим деб, юртим деб яшашнинг энг ҳавас қиларли намунаси эди. Бундай улуғ фидойилик, айниқса, ҳозирги авлодлар учун алоҳида ибратлидир. А. Ҳайитметов ана шундай нуқтаи назардан келиб чиқиб, Навоийнинг инсоний сиймоси ҳақида ўнлаб мақолалар ёзди.

Навоий ижоди, Навоий донишмандлиги ҳам А. Ҳайитметов ёзган ва газеталар-журналларда чиққан кўпдан-кўп мақолаларнинг бош мазмун-моҳиятини белгилаб келди. Ана шу мақолалар унинг «Навоий даҳоси», «Навоийхонлик суҳбатлари» деб аталган китобларидан ўрин олган. Ҳали олимнинг китоб бўлмаган, газета-журналлар саҳифаларида яшаётган мақолалари ҳам талайгина.

Абдуқодир ака Навоийнинг ҳар бир йирик асарини эмас, балки ҳар бир ғазалини ва байтини, ҳатто ҳар бир ҳикматли иборасини алоҳида қадрларди. Ҳатто у улуғ шоирнинг айрим алоҳида ташбеҳлари ёки байтлари тарихи ва таҳлилига бағишланган мақолалар ёзган. Айтайлик, пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Миллий боғида муаззам ёдгорлик шифтида қуйидаги оламшумул ғояли байт муҳрланган:

**Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ,**
**Ёр ўлунг бир-бирингизга ким, эрур ёрлиғ иш.**

Инсониятни ўзаро нифоқ ва душманликни бас қилиб, аҳиллик ва тотувликда, дўстлик ва ҳамкорликда яшашга даъват этувчи бу шоҳбайт ҳозирги кунда дунёда машҳур. Москвада, Токиода қад ростлаган Навоий ҳайкаллари тепасида ҳам шу улуғ байт баралла садо бериб турибди. Табиийки, ушбу байт машҳур бўла боргани сайин одамларда унга қизиқиш ҳам ортиб бормоқда ва: «Бу байтни Навоий қачон ёзган, у шоирнинг қайси ғазали таркибидан ўрин олган, ушбу байт қандай сабаб, зарурат билан битилган?» деган саволлар ҳам туғилади. Абдуқодир Ҳайитметов мана шундай маънавий эҳтиёжни сезиб, ушбу байтнинг яратилиш тарихидан ҳикоя қилувчи, бир қизиқарли мақола ёзди ва уни «Халқ сўзи» газетасига олиб келди. Мақола газетанинг биринчи бетида чоп этилди ва газетхонларда катта қизиқиш уйғотди...

Хуллас, бу мавзуда яна анча гапларни айтиш мумкин. Аммо айтилган фикрлар ҳам, мухтасар тарзда бўлса-да адабий-тарихий бойликларни эл қалбига ва онгига етказишда Абдуқодир Ҳайитметовнинг нақадар фидойиликлар кўрсатиб келганлигини исботлайди.

Яхши инсондан яхшиликлар, савоб амаллар, эзгуликлар қолади. Абдуқодир Ҳайитметов шундай инсонлардан бири эди.



Юртимиз ёдгорликлари — дунёда саккизинчи мўъжиза бўлса, ажабмас!

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

# GURUNG

*Нимасини айтасиз, бозор иқтисодиётининг хосиятларини санаб адо этиб бўлмайди. Энг муҳими шуки, у ҳаётимиздан боқимандаликни бадарға этди, ҳаммани ҳаракатга тушириб қўйди. Кўрган-билганларимиз шундан яққол далолат бериб турибди.*

*Айтайлик, бир вақтлар фақат давлат ошхоналари бўларди. Давлат ошхоналарининг хизмат аҳли эса мижозларни (яъни хўрандаларни) аллақандай бир кибру ҳаво билан, гўё бир муте одам ҳузурларига нон сўраб келиб қолгандай қарши олишарди. Бугун хусусий емакхоналар кўпайди. Улар ўзларига мижоз орттириш пайида бир-биридан ўтказиб тадбиркорлик қилмоқдалар. Муомалаларини айтмайсизми? Қаймоқ, асал! Ошхоналарига кирсанг, хусусий ошхоначилар гўё қирқ йиллик қадрдонлари келиб қолгандай, бахтиёрлиқдан ўзларини қўярга жой тополмай қолишади. Таомларни ҳам ким ўзарга бир-биридан хушхўр қилиб тайёрлашмоқда шоввозлар. Бугун ошхоналарда ким азиз — хўранда азиз. Мана, сизга бозор иқтисоди!*




# Ҳаво неча пул?

Ёки транспорт масаласида ҳам бозор иқтисодиёти даврида оддий йўловчиларга омад алоҳида кулиб боқмоқда. Бекатларда автобус пойлаб, сарғайиб ўтирмайсан. Чунки худди шу бекатда ўнлаб «Дамас» ва «Газел»лар хизматингга шай. Фақат 100 сўм ошиқча сарфласанг бўлди. Борадиган жойингга бемалол, тез етказишади. Автобуслар ҳам ҳар дақиқада хизматга шай, йўловчиларга эшигини ланг очиб турадиган бўлиб қолди.

Ёхуд мамлакат далаларидаги ишларни олиб кўрайлик. Ер бугун ишлайман, тер тўкаман, ҳам ўзимни, ҳам элни фаровон қиламан, деган ҳалол, танти, деҳқон биродарларимизга берилмоқда. Мана, битта мисол. Мен ўзим, аслида Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманиданман. Яқин-яқинларда бу туман аҳли давлатга пахта, ғалла топшириш режасини бир йил уддаласа, бошқа йили ер чизиб қоларди. Бу йил яккабоғликлар ғалла ва пахта топширишни вилоятда биринчилардан бўлиб бажарди. Далаларда эса ҳали анча пахта бор... Бу ўзгаришнинг сабаби нимада? Сабаби, бутун туман ерлари фермерларга берилди. Одамлар эса ўзларига тегишли заминни бамисоли фарзандларидай ардоқламоқда. Ҳамма далада. Пахта даласида битта бегона ўт кўринса бараварига юлишади. Хуллас, туманда ишлар юришиб кетди. Мана, бозор иқтисодиёти ва унинг олий бир кўриниши — фермерлик шарофати!

Аммо... аммо, қани эди, бозор иқтисодиётини ҳамма

**Луқма**

бирдай ана шундай табаррук, хосиятли маъноларда тушунса, меҳнатни, бунёдкорликни бурч деб билса. Саъй-ҳаракатимдан ҳам ўзим, ҳам элим баҳраманд бўлсин, деб ўйласа? Қани эди?

Одамлар бор, афсуски, оддий крандан келиб турган сувни шишаларда қадоқлаб, «Оби ҳаёт» деб пуллашдан ор қилмаяпти. Одамлар бор — уларнинг дастидан Худо берган булоқ сувини эмин-эркин ичолмайсан. Булоқ бошига борсанг: «Ҳов, торт ҳовучингни, бу булоқ меники» дейди аллаким. Бу булоқ унинг ўзи тугул, етти пушти-суловасидан олдин ҳам Аллоҳнинг иродаси ила биқирлаб-қайнаб турганлигини заррача инобатга олмайди. Чунки нафс балоси ақл-идрок ва инсоф кўзини кўр қилиб қўйган.

Куз кунларининг бирида Самарқанд ва Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани оралиғидаги Омонкўтон тоғ довонидан машинада болаларим билан ўтдим. Атроф борлиқ кузнинг майин офтобида яйраб турибди. Тоғ тепасида дўланалар олтиндай товланиб пишган. Болаларим: «Бир тўхтаб ўтайлик» дейишди. Тўхтадик. Машинадан тушиб, яқин орадаги дўлана дарахти тагига бориб, меваларидан битта-иккита тотиндик. Озроқ териб олишни ҳам мўлжаллаб турувдик. Ахир Аллоҳнинг неъмати! Аммо, ногаҳонда ёнимизда тоғни урса талқон қила оладиган, офтобда қорайган, даванг, чайир гавдали, кўзлари бежо ва совуқ ялтираб турган йигит пайдо бўлди. «Қани, тезроқ бу ердан жўнанг, тезроқ-тезроқ. Бировнинг мулкини талон-торож қилмоқчи бўляпсизларми?» деб дағдаға қила бошлади. «Бу тоғда ўсиб турган дарахт-ку?! Нимаси сизники бўларкан?» дедим мен. «Энди у эгалик. Яхшиликча, жўнанг!» деди бетоқатланиб. Наилож! Жўнадик. Акс ҳолда, дилхиралик бўларди.

Йўлда, машинада ёнимда кетаётган кеннойингиз «тавба, тавба»лаб қолди.

— Нима гап? — дедим унинг дилида нималар кечаётганлигини билиш учун.

— Нима гап бўларди? Ҳар дарахт, ҳар бир чашма эгалик бўлиб кетяпти. Одамни ваҳима босади. Эрта бир кун, тавба қилдим, бундай шайтон, текинтомоқ кимсалар осмондаги ҳавониям бутилкага жойлаб пулламаса майли эди...

— Э-э, нафасингни иссиқ қил, онаси? Энди шу етишмай турувди, — дедим унинг гапидан диққатим ошиб.

Лекин... лекин кўнглимга бир хавотир соя сола бошлади, «Бу нафс бандаларидан ҳар нарсани кутса бўлади. Йўқ-йўқ, «Ҳаво неча пул?» дейдиган кунлардан ўзинг асра, Парвардигори Эгам! Ўзинг асра!» — дея ичимда калима қайтардим...



Куш уясида кўрганини қилади.



Назм

Тўра Жуман... Бу ном адабиёт мухлисларига яхши таниш. Саксон ёшдан ошган, Тўра ака яқинда ўз қўллари билан таҳририятимизга шеър олиб келдилар. Биз у кишининг муборак ёшлари барчамизга насиб этишини Аллоҳдан сўраб, янги ижод намуналарини эътиборингизга ҳавола қилаяпмиз.

***Уч гуруҳ киши билан дўстлашишга бўл тайёр,***
***Буларга яқинлашсанг, фойда кўрасан зинҳор.***

***Биринчиси: Илмни пухта эгаллаганлар,***
***Таълим олсанг, элингга сен бўласан фидокор.***

***Иккинчиси: Тушунган, саодатманд одамлар,***
***Улар айбингни асло кимсага қилмас ошкор.***

***Учинчиси: Беғараз, бетаъма кишилардир,***
***Шулар билан дўстлашсанг,***
***яшайсан тинч, бахтиёр.***

* * *

***Эй ақл, фаросатим, аъло ёз, бало ёзма,***
***Ҳақиқатдан узоқда бўлган бир наво ёзма.***

***Ўқиганлар қониқсин, олсин маънавий озиқ,***
***Маза-матраси бўлсин, сира бедаво ёзма.***

***Тузук шеър экан бу деб, кўчирсин дафтарига,***
***Сўзнинг қаймоғи бўлсин, тузсизни асло ёзма.***

***Ёмонни яхши десанг,***
***халқинг нафрат ёғдирар,***
***Яхшини ёмон дема, аъло ёз, бало ёзма.***

**Тўра ЖУМАН.**



*Одатда, бу дунёдан ўтганлар хотираси ёдланар экан, одамлар уларнинг ҳаққи-ҳурматларига атаб: «Аллоҳ охиратини обод қилган бўлсин марҳумнинг» деб ният изҳор этадилар. Хўш, бу ният қандай маъноларни англатади? Ушбу масала ҳар бир кишини ўйлатиши табиий. Келинг, табаррук ибора моҳиятини биргаликда имкон қадар таҳлил этайлик.*

# Охират ободлиги нимада?

Маълумки, мазкур калом аҳли одамзот томонидан икки йўналишда идрок этиб келинмоқда. Бир тоифа одамлар «икки дунё» (фано ва бақо)га доир эътиқод ва тасаввурлардан келиб чиқиб, марҳумга «обод охират» тилар экан, шу йўсинда, нариги — боқий дунёда унинг жойи дўзахда ёки аросатда эмас, балки жаннатда бўлишини Аллоҳдан илтижо қиладилар. Зиёли, моддий дунё фалсафаси руҳида тарбияланган кишилар эса, марҳумга «обод охират» тилар экан, бу аснода унга тириклар ёди ва хотирасини мезон қилиб ёндошадилар. Яъни марҳумларни тириклар қандай эслайди? Шундан келиб чиқиб марҳумга ҳар ким ўз кўнгил ёндошувини билдиради. Яъни марҳумга нисбатан «дўзахий эди» ёки «жаннатий эди» деган хулосалар тириклар дилида кечади. Чиндан ҳам, тирикликда муттаҳам, каззоб бўлиб, нокасликда яшаган одам марҳумликда қандай қилиб «жаннатий» бўлиши мумкин? Янада аниқроқ қилиб айтсак, қандай асосга кўра унинг охирати обод бўлиши мумкин? Ёки, аксинча, тириклигида ҳақиқий инсоний фазилатлар ила ўзини шарафлаган одам дунёдан ўтганидан кейин бошқалар томонидан эъзозланиб, алқаб-ардоқланиб тилга олинади-ку?! Бу унинг жаннатийлигини, яъни охирати ободликка юз тутганлигини кўрсатмайдими? Бежизга айтмайдилар-ку: «Халқ билгани — Ҳақ билгани» деб.

**Халқ билгани — Ҳақ билгани**

Ҳақ имтиҳонига рўбару бўлишдан олдин инсон атрофдаги одамлар, яъни, Халқ имтиҳонидан ўтади. «Бу дунё бедарвозамас» деб шунга айтсалар керак. Бу имтиҳон одам боласи учун кўз очиб дунёга келган лаҳзаларда бошланади ва умр бўйи, ҳар бир фурсатда давом этади.

Хуллас, Халқ ҳукми — Ҳақ ҳукми. Шундай эмасми, муҳтарам ва муҳтарама зотлар?




# Телефон ихтирочиси

Инсоният тарихида телефонни илк марта асли шотландиялик Америка фуқароси Александр Бёлл (1847-1922) ихтиро қилган. Бёллнинг касби — шифокорлик. У, энг аввало, кар ва забонсиз одамларнинг ўзаро суҳбатлашувини, мулоқотга киришувини таъминлайдиган кўникмаларни шакллантирган. Александр Бёлл овозлар ва товушлар тўғрисида катта билимни эгаллаган. Ана шу билим унда инсон овозини электр сигналларга айлантира оладиган техник қурилмани яратиш ғоясини уйғотган. Бёлл бир неча йил узлуксиз изланишлар, меҳнат ва тажрибалар орқали товушни ҳаводагига нисбатан, сим орқали миллион марта тезроқ ҳаракатлантирадиган қурилмани яратди ва унинг амалдаги синови муваффақиятли бўлди.

Бёлл 1876 йилда амалда фойдаланса бўладиган биринчи телефон учун патент олди. 1878 йилда АҚШнинг Нью-Хейвин шаҳрида жаҳонда биринчи телефон станцияси қурилиб, ишга туширилган.



**Билиб қўйган яхши**

# «Баскетбол»нинг маъноси...

Ҳозирги глобаллашув шароитида, жумладан, ҳаётимизга ва тилимизга кўпгина хорижий сўзлар кириб келмоқда. Модомики шундай экан, биз шу пайтгача яхши эътибор қилмаган бу сўзларнинг асл маъносини ҳам билиб қўйсак, фойдадан холи бўлмайди. Масалан, инглизча «айсберг» сўзини кўп эшитганмиз. Аммо унинг асл маъноси «муз тоғи» эканлигини кўпчилик билмайди. Мана, билиб ҳам олдингиз. Қуйида кўпчилигимизга зоҳиран таниш, аммо асл маъноси нотаниш бўлган инглизча айрим сўзларнинг луғавий маъноси билан танишасиз.

**Аутсайдер** — белгиланган доирадан ташқарида.
**Банкнотлар** — банк белгилари.
**Бар** — тиргак, устун, баланд стол, пештахта.
**Баскетбол** — сават, кажава.
**Босс** — хўжайин.
**Брифинг** — қисқа йўриқнома.
**Бутси** — туфли, ботинка.
**Вестерн** — ғарбий, ғарбга хос.
**Видеоклип** — видеокесма, видеобўлак.
**Гандбол** — қўл тўпи.
**Детектив** — фош этувчи.
**Жентльмен** — тарбияли, одобли эркак.
**Дизайн** — лойиҳа.
**Допинг** — аралаштирмоқ, қориштирмоқ.
**Имидж** — тасвир.
**Интервью** — кўришув, учрашув.
**Кемпинг** — лагер ҳолатида жойлашув.
**Комикслар** — кулгили расмлар ва суратлар.
**Конгрессмен** — мажлис, анжуман кишиси.
**Концерн** — иштирок этиш, қатнашиш.
**Лайнер** — линияда, йўналишда ҳаракатланувчи.
**Лидер** — етакчи, раҳнамо.
**Менеджер** — бошқарувчи.
**Мюзик-холл** — мусиқа зали.
**Поп-арт** — оммавий санъат.
**Радар** — узоқ масофадан радио орқали аниқлаш.
**Репортёр** — ҳисобот, маълумот берувчи.
**Сейф** — ишончли.
**Спикер** — нотиқ.
**Спонсор** — ўрнаштирувчи, ҳомий.
**Спринтер** — олдинга талпинувчи.
**Супермаркет** — йирик бозор.
**Супермен** — йирик одам.
**Тайм** — вақт.
**Твист** — жойида айланиш.
**Тест** — синов.
**Трест** — ишонч.
**Уик-энд** — ҳафтанинг охири.
**Финиш** — сўнгги марра.

Саҳифани М. САФАРОВ тайёрлаган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухамедали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5